Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 июнь пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 109 (2147)


«ПИЛЛА-99»

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Наманган вилояти пиллакорлари маррага етдилар. Ҳозиргача 2009 тоннадан зиёд хомашё йиғиштириб олиниб, йиллик шартнома уддаланди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Ҳар қути қурт уруғ ҳисобига ўртача 56 килограммдан "кумуш тола" етиштирилди. Зафар хирмонининг юксалишига Тўрақўрғон, Наманган, Норин, Уйчи туманлари пиллакорлари салмоқли улуш қўшдилар.

Тармоқ меҳнатчилари ҳосилнинг қолган қисмини ҳам нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва давлатга яна 600 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб беришга ҳаракат қилишяпти. Шу кунларда вилоятдаги пилланы қайта ишлаш корхоналарида меҳнат ҳар қачонгидан қизғин. Янги ҳосилни саралаш, пишитиш ва ипак ўраш юмушлари жадал олиб борилмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Оқсаройда Япониянинг ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) раиси Н.Хатакеямани қабул қилди.

— Биз мамлакатни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини белгилашда хориждаги тараққий топган давлатларнинг тажрибасини ўрганамиз, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Шу маънода Ўзбекистонда Япониянинг, хусусан, JETROнинг тажрибасига қизиқиш катта. Зеро, экспорт салоҳияти бўлмаган мамлакатнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг экспорт салоҳиятига тўхталгани бежиз эмас. JETRO айни шу масала билан шуғулланувчи ташкилотдир. Н.Хатакеяма юртимизга Ўзбекистон маҳсулотларининг Японияга экспортини қўллаб-қувватлаш имкониятларини ўрганиш мақсадида ташриф буюрган. Ташриф асносида JETRO вакиллари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўнлаб маҳсулотлардан намуналар олди. Улар ёрдамида Япониядаги ишбилармон доираларга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. JETRO кунчиқар мамлакатда Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазмасини ташкил қилишни ҳам режалаштирмоқда. Шунингдек, ташкилот делегацияси кадрлар тайёрлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқа соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ўрганаётир.

Оқсаройдаги учрашувда ҳам Ўзбекистон билан JETRO ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ганиев иштирок этди.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

"Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармонларини бажариш юзасидан, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, олий таълим тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1999/2000 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 43653, шу жумладан 21839 давлат грантлари ва 21814 тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар:

1998/99 ўқув йили якунида, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш таълим стандартлари бажарилиши ва ўқиш муддати тугаши туфайли, бакалавр кадрларнинг биринчи чиқишини таъминласинлар;

1999/2000 ўқув йилидан олий таълим муассасаларида бакалавриат негизида аниқ мутахассисликлар бўйича магистратурага қабулни бошласинлар.

Мазкур ўқув йилига магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квоталари 3,0 минг, шу жумладан 1,2 минг давлат грантлари ва 1,8 минг тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар аниқланган олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин;

магистратурага қабул рухсат этилган олий таълим муассасаларида 1999 йил 1 августига қадар таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари, дарсликлар, педагогик ва ахборот технологиялар ҳамда педагог кадрлар сифати Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида таъминлансин;

Давлат тест маркази билан биргаликда халқаро журналистика, журналистика, мусиқа таълими, чизмачилик ва тасвирий санъат, жисмоний маданият, санъат ва маданият, меъморчилик, дизайн, испан ва шарқ тиллари, чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия таълим йўналишлари бўйича абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлардан ўтказишни ташкил этсинлар ҳамда бир ҳафта муддат ичида ушбу масала юзасидан қабулга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

3. Олий жумлумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналари тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида магистратурага қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом"ни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. 1999/2000 ўқув йилига тиббиёт олий таълим муассасалари қошида илк бор ташкил этилаётган 3 йиллик олий малакали ҳамшираллар тайёрлаш бўлимларига умумий қабул квоталари 180, шу жумладан 90 давлат грантлари ва 90 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар республика тиббиёт олий таълим муассасалари бўйича тақсимлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус тиббий маълумот негизида олий малакали ҳамшираллар тайёрлаш бўлимларига қобилиятли талабаларни танлаб олиш ва ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида:

бир ҳафта муддат ичида "Олий малакали ҳамшираллар тайёрлаш тўғрисида Низом" ва тегишли давлат таълим стандартларини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар;

Давлат тест маркази билан биргаликда, 10 кун муддат ичида, абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда амалий кўникмаларини аниқлаш учун зарур касбий имтиҳонлардан ўтказиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва Давлат комиссиясига тақдим этсиндар.

7. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

8. Давлат комиссиясига:

абитуриентлар қабули барча учун (ҳам давлат грантлари, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида тест синовлари натижасида тўпланган балларнинг рейтинги бўйича ташкил қилинсин. Бунда энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг биринчи навбатда давлат грантлари бўйича, сўнг қолган абитуриентларнинг белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқлари таъминлансин;

10 кун муддат ичида "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом"га;

тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тўлов-контракт асосида белгиланган умумий қабул режаси доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур бўлган ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

9. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантларини ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

10. Молия вазирлиги 1999/2000 ўқув йилига белгиланган давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда олий малакали ҳамшираллар тайёрлаш учун қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 майдаги 228-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 июнь

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари М.Усмонов раислигида бозорларнинг фаолиятини тартибга солиш, иқтисодий ислоҳотлар ва хусусийлаштиришнинг боришини таҳлил қилиш бўйича Республика махсус комиссиясининг мажлиси ўтказилди.

Мажлисда Республика махсус комиссиясининг аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлис кун тартибига мувофиқ Республика махсус комиссиясининг ишчи гуруҳлари томонидан бозорлар фаолиятини тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларининг Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги деҳқон ва буюм бозорларида ўтказилган ўрганиш натижалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 октябрдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи бозорлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида"ги 452-сон қарорининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан бажарилишининг аҳволи масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Республика махсус комиссияси аъзоларининг ахборотлари, шунингдек Сурхондарё, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари ўринбосарларининг ҳисоботлари тингланиб, муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори Республика ҳукумати томонидан бозорлар фаолиятини яхшилашга доир масалаларда қабул қилинган қарор ва фармойишларининг ижроси кўпчилик ҳудудларда талаб даражасида ташкил этилмаганлиги натижасида деҳқон ва буюм бозорлари фаолиятида қатор нуқсонлар мавжуд эканлигига қаратилиб, уларни тўла бартараф этиш бўйича аниқ чоратадбирлар кўриш, бозорларнинг даромадини кескин кўпайтириш ва уларни тўғри тақсимлаш, бозорлар ҳиссадорлик жамиятлари томонидан чиқарилган акцияларнинг эркин савдога мўлжалланган улушини сотишни тезда ниҳоясига етказиш, бозорлар маъмуриятини нопок шахслардан тозалаш, ходимларни аттестация қилиш ва уларнинг малакасини ошириш, сотувчи ва харидорларга қулай шароитлар яратиш масалаларида аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улгуржи бозорлари тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришда кўпчилик вилоятларнинг ҳокимликлари томонидан сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кескин танқид қилинди.

Ҳудудларнинг, шунингдек тегишли идораларнинг раҳбарларига ушбу қарорда кўзда тутилган масалаларнинг тўлатўкис ҳал қилинишига доир қўшимча кўрсатма ва тавсиялар берилиб, уларни бажариш бўйича аниқ муддатлар белгиланди.

Республика махсус комиссиясининг мажлиси муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзА)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Ж.Кёлер "Интерконтинентал" меҳмонхонасида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Матбуот анжумани бошланишидан олдин Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан республикамизда фаолият кўрсатаётган айрим банклар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, ЕТТБ билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, "ЎзДЭУбанк", "Асакабанк" ўртасида молиявий йўналишда ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар, "АБН Амробанк" билан эса ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Ж.Кёлер ўзининг Ўзбекистонга сафари самарали кечганини таъкидлади. Имзоланган ҳужжатлар ҳақида тўхталар экан, у мазкур битимлар ЕТТБ Ўзбекистонга ишончли шерик ва узоқ йиллик ҳамкор сифатида қараётганининг белгиси эканини айтди. Шу ўринда айтиш керакки, ЕТТБ 1991 йилдан буён Марказий Осиёда умумий қиймати 1 миллиард АҚШ доллари атрофида бўлган қирқта лойиҳани амалга оширишда иштирок этган.

Матбуот анжуманида ЕТТБ билан Ўзбекистон ўртасида банк соҳасини хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ўрта тадбиркорлар синфини шакллантириш борасида ҳамкорлик алоқаларини ривож топтириш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

(ЎзА)

Германиянинг Веймар шаҳридаги "BAUHAUS" университети раҳбарлари ва ўқитувчилари мамлакатимизга ташриф буюриб, Тошкент Архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорлик ҳақида шартнома имзолади. Меҳмонлар сафар давомида республикамизнинг бошқа олий ўқув юртларида ҳам бўлиб, ўқув жараёнининг ташкил этилиши билан танишди, бир қанча илмий тадқиқот ишларини бажаришда иштирок этди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бу икки олий ўқув юрти ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги шартноманинг имзоланиши кўп йилларда бери давом этиб келаётган ўзаро фойдали алоқалар натижасидир. Бу алоқалар 1994 йилда делегациялар айирбош қилиш билан бошланган эди.

"BAUHAUS" университети жаҳон меъморчилиги доирасидаги архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради. Бу ишлар "ТЕМПУС" халқаро лойиҳаси доирасида молиявий жиҳатдан таъминланади. Тошкент Архитектура-қурилиш институти қурилиш материаллари кафедрасининг темурийлар даврига мансуб меъморчилик ёдгорликларидан бири бўлган "Шодимулк оға" мақбарасини қайта тиклаш бўйича лойиҳаси германиялик ҳамкасабаларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Лойиҳа бугунги кунда Германиянинг ҳунармандчилик ва тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш маркази билан ҳамкорликда муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда иккала олий ўқув юртининг кафедраларигина эмас, факультетлари ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, бир қанча қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

МЕН ОТАМНИ ТОПДИМ

Отам Шониёз Узоқов Иккинчи жаҳон урушига кетганда мен 2 ёшда эканман. Ундан бироргина ҳужжат ҳам, фотосурат ҳам қолмаган. Етим ўсиб, улғайдим, олий маълумотли бўлдим. Ҳозир беш фарзандниг отасиман, учта набирам бор.

Ярим асрдан ортиқ вақтдан буён отамни қўмсаб яшадим. Отамнинг изини топиш учун Россия шаҳарларини кўп кездим, архивларни титкиладим.

Ва ниҳоят!!!

Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан отам Узоқов Шониёзнинг ҳам исм-шарифи пойтахтимизда бунёд этилган Хотира майдонидаги "Хотира китоби" саҳифаларида битилибди! Фарзандларим — Узоқов Шониёз набираларининг қувончи чексиз.

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиб миллионлаб марҳумларнинг руҳини, уруш жабрини тортганларнинг қалбини шод айлаган Юртбошимизни Яратганнинг ўзи сийласин!

Хотира майдонини зиёрат қилган замондошларимиз, авлодларимиз унинг бош меъмори — Президентимиз Ислом Каримовга таъзимда бўлишларига ишончим комил.

Сафар ШОНИЁЗОВ
оиласи,
Ангрен шаҳри.

Йўлбошчимизнинг олиб бораётган сиёсатларини қўллаб-қувватлаб, шунингдек, Хотира ва Қадрлаш куни белгиланиши муносабати билан Наманган шаҳар 31-мактаб жамоаси, 10-мактаб жамоаси номидан С. Нормирзаева, Насиба Шарипова, 2-Ахсикент хотин-қизлар кенгаши номидан Х.Исанбоева, 4-синф ўқувчиси Дилноза Жўраева, Ҳимоятхон Миязова, Акбарали Усмонов, тошкентлик Гулнора Азизова, бухоролик Мамлакат Содиқова, Бибиражаб Султонова, Самандар Ҳомидов, Жума Номозов, андижонлик Манзура Орипова, фарғоналик Лола Маъмурова, Григорий Карлинский, самарқандлик Х.Собирова, Қ. Ражабов, жиззахлик Аладдин Геладзе, Фозил Холматов, Абдусаттор Алпомишев, Мустафо Умаров, Шерқул Довуров, хоразмлик Тўхтажон Раҳимова, сурхондарёлик Сора Шоймонова ва бошқалар Президентимиз номига хат йўллаб миннатдорчилик изҳор этганлар.

СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Президент ва бошқа давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланди.

Суд мажлиси Олий Суд Раисининг биринчи ўринбосари А.А.Полвонзода раислигида, Олий Суд судьялари Р.А.Акбаров ва Қ.И.Исаров таркибида олиб борилмоқда. Давлат айбловини қўллаш учун Адлия катта маслаҳатчиси Б.А.Зоҳидов ва Н.М.Бобоев, судланувчиларни ҳимоя қилиш учун эса 20 нафар адвокатлар қатнашмоқда.

Суд мажлисида мамлакатимиз ва кўпгина чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек элчихоналарнинг масъул ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июндаги "1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига ШАРҲ

"Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармонларини бажариш юзасидан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, олий таълим тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 майдаги 228-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 майдаги 228-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 июнь

ШАРҲ

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда магистр кадрларни аҳамиятини эътиборга олиб, уларга бўлган эҳтиёжни қондиришда олий таълим муассасаларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 1999/2000 ўқув йилида 26 та олий таълим муассасасида бакалавриат негизида аниқ мутахассисликлар бўйича магистратурада ўқиш учун 3,0 минг, шу жумладан 1,2 минг давлат грантлари ва 1,8 минг тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилиш режалаштирилди.

Бунинг натижасида мамлакатимизда олий таълим тури бир босқичли тизимдан икки босқичли тизимга ўтиши таъминланади.

Республикамизнинг тиббиёт олий таълим муассасалари қошида илк бор ташкил этилаётган 3 йиллик олий малакали ҳамшираллар тайёрлаш бўлимларига алоҳида 180 та, шу жумладан 90 та давлат грантлари ва 90 та тўлов-контракт асосида ўринлар ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўрта махсус тиббий маълумот негизида олий малакали ҳамшираллар тайёрлаш бўлимларига қобилиятли талабаларни танлаб олиш ва ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида аниқ вазифалар берилди. Хусусан, муайян давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда амалий кўникмаларини аниқлаш учун зарур касбий имтиҳонлардан ўтказиш белгиланди.

Жами олий таълим муассасаларига 1999/2000 ўқув йилига 46833 (23129 давлат грантлари ва 23704 тўлов-контракт асосида) талабалар қабули амалга оширилади, бу ўз навбатида 1998 йил қабул кўрсаткичларига нисбатан 4833 га кўпдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу қарорга биноан, 1998/99 ўқув йили якунида, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш таълим стандартлари бажарилиши ва ўқиш муддати тугаши туфайли бакалавр кадрларнинг биринчи чиқиши таъминланади. Шунингдек, олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг янги давлат намуналари тасдиқланди.

АТЛАС ЖОЗИБАСИ

Шу йил 18 май куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлисида Йўлбошчимиз кўплаб идоралар қаторида республика Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси ҳамда «Ўзенгилсаноат» уюшмаси раҳбарларини жиддий танқид қилди. Нима учун? Шунинг учунки, бу тармоқларда корхоналарни хусусийлаштириш, хорижий сармояларни давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишга жалб этиш борасида оқсоқликка йўл қўйилмоқда. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, мулкчиликнинг янги шаклларини жорий қилиш, яъни хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида энг асосий, энг ҳаётий масаладир.

Ушбу соҳаларда мавжуд камчиликлар асосан қайси йўналишларда кўпроқ кўзга ташланади?

Аввало, корхоналарни хусусийлаштириш тартиби, уларнинг йирик акция пакетларини сотиш бўйича ўзига хос тизим ишлаб чиқилмаган, халқаро тендерлар эса эълон қилинмаяпти. Иккинчидан, тармоқларни хусусийлаштиришда техникавий ривожланиш дастурлари йўқ.

«Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш йўлида тўғаноқ бўлаётган асосий сабаб — турли даражадаги раҳбарлар онгида ҳукм сурган лоқайдлик, ўзибўларчилик кайфияти бўлса, корхоналарнинг оғир молиявий аҳволи, уларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаётганини эса бу борадаги объектив сабаблар қаторига қўшиш мумкин», — деб уқтирди Президент.

«Ўзенгилсаноат» уюшмасига қарашли Намангандаги «Атлас» очиқ турдаги акционерлик жамияти фаолиятини таҳлил этиш асносида ана шу фикрлар нақадар ҳақиқат эканлиги аён бўлди.

БИРИНЧИ ДАЛИЛ

«Бугунги кунда бу корхонада 573 та тўқув дастгоҳидан 380 таси ишлаяпти, холос, — деб ёзади шу вилоятдаги ўз мухбиримиз Қудратилла Нажмиддинов. — **Ўтган йили уларнинг ёрдамида 6 миллион 700 минг погон метр газлама тўқилди. Бошқача айтганда, атиги 198 миллион сўмлик, белгиланганидан 329 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди».**

Бу кўрсаткичлар, айтинг-чи, кимни қаноатлантира олади? Нафсиламрини айтганда, ҳеч кимни, албатта. Агар бундан беш-олти йил муқаддам 8 миллион погон метр газлама тўқиш қувватига эга мазкур бирлашмада 13 миллионлик марра ҳам забт этилганини қайд қилсак, тилга олинган рақамлар нафақат соҳа мутахассисларининг, ҳатто мактаб ўқувчисининг ҳам энсасини қотириши турган гап.

ИККИНЧИ ДАЛИЛ

«Корхонанинг дебиторлик қарзи 3 миллион 462 минг сўмни, кредиторлик қарзи 69 миллион 861 минг сўмни ташкил этади. Устига устак, ишчи ва хизматчиларга бериладиган иш ҳақидан 5 миллион 314 минг сўм, 1994 йилда пилланинг харид нархи ошиши муносабати билан сотиб олинган ҳар тонна хомашёнинг баҳосига қўшилган устама ҳисобидан эса 26,3 миллион сўм қарз ҳам бор».

(Мухбиримиз юборган маълумотлардан).

Қарз қаердан ва қачон пайдо бўлади? Аввалambор, товар ишлаб чиқарувчи тайёр маҳсулотни ложи борича нақд пулга сотишга ҳаракат қилмоғи лозим. Мабодо савдода пул ўтказиш усули қўлланиладиган бўлса, у икки томонлама шартнома тузишдан аввал мижознинг молиявий аҳволини, яъни тўлов қобилияти борми-йўқлигини обдон суриштириб, тегишли маблағни тўлиқ олишига тўла ишонч ҳосил қилгандан сўнггина розилик бериши зарур. Бунда ҳам белгиланган тартиб — товар қийматининг 15 фоизини аввалбошдаёқ ундиришини унутмаслик шарт. Бу таомилларга риоя қилмай, «Ўзимизнинг одам-ку, пулини қайтаради-да» деб, унга ҳотамтойлик ила Белгиланган муддатнинг эшиқ қоқиб турганлиги ҳеч кимни безовта қилмаяпти.

Шундай оғир молиявий аҳволни бошидан кечираётган корхонада ҳиссадорларнинг ўз акциялари учун бир тийин ҳам дивиденд олмаганликларини эслатсак, албатта, ажабланмаслигингиз табиий. Гап шундаки, 1994 йилда собиқ бирлашма «Атлас» очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилгач, жами 51 миллион 638 минг 968 сўмлик 91 минг 404 дона акция чиқарилган эди. Унинг 20 фоизи — ҳар бирининг номинал қиймати 547 сўмга тенг 18881 дона акция жамоанинг улуши бўлиб, бариси ҳиссадорлар томонидан аллақачон сотиб олинган. Лекин бирорта ҳиссадор ҳанузгача ўзини мулк эгаси, қолаверса, «Акция — қўшимча даромад манбаи» эканлигини ҳис этмаяпти. Негаки, юқорида айтилганидек, тўрт йилдан буён уларга дивиденд берилгани йўқ. Мулкнинг ҳақиқий соҳиби шаклланмаган, манфаатдорлик даргумон жойда эса талабкорлик, изланиш, ташаббус, муҳими, ишда самара сезилмаслиги кундай равшан, ахир.

Раҳбарлар-ку боқибеғам, боқимандалик «касали»дан фориғ бўлмаган экан, корхонанинг истиқболи билан қизиқувчи, унинг оёққа туриб олишидан манфаатдор, ғурурли, ватанпарвар бошқа кишилар Наманганда топилмайдими? — деб сўрарсиз. Топилганда қандоқ! Уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш мароқлидир.

Собитхон ТЎХТАБОЕВ, енгил саноат фахрийси, республика «Ҳунарманд» уюшмасининг вилоят бўлими бошлиғи:

— Биласизми, аёлларимиз эгнида чўғдай ловуллаб турадиган майда тароқли хонатлас аслида Наманганда яратилган. «Наманган машъали», «Гули намозшом», «Шахмат», «Товус», «Томчи», «Нодирабегим», «Чархпалак», «Гулдаста»...Эҳ-ҳе, қай бирини санай? Гапнинг индаллоси, юзлаб турдаги атласларимиз Шарқ бозорларидан муносиб ўрин олганлиги ҳаммамизга маълум. Ҳозир-чи? Айримлар «Унинг бир метрининг нархи 700 сўм, чўнтак кўтармайди», дейишади. Мен бу фикрга қўшилолмайман. Ҳунармандларимиз томонидан уй шароитида, қўлда тўқилгани 400 сўмдан ошмайди, сифати ҳам аъло. Агар корхонада рақобатбардош — ювганда ҳам ранги ўчмай, аксинча, янада гул-гул очиладиган мато ишлаб чиқарилса, ишонаманки, аёлларимиз пулнинг юзига қарашмайди. Ҳозирча бунга эриша олмаяпмиз.

Абдулҳай ҚАҲҲОРОВ, мутахассис:

— Мавжуд ускуналар — пилла чувиш, ипак ўраш, пишитиш ва тўқиш дастгоҳлари алмисоқдан қолган эмасми, унумдорлиги паст, уларда тўқилган маҳсулотнинг сифати ҳам шунга яраша. Демак, барисини замонавий технология ва жиҳозларга алмаштириш лозим. Бу — биринчиси. Иккинчидан, асосий хомашё — ипак сифати ҳамиша стандартга мос келавермагани туфайли газлама силлиқ эмас, дағал тўқилмоқда. Учинчи масала эса таъминотга бориб тақалади. Бултур «Наманган ипаги» ҳиссадорлик жамияти шартномадаги 170,5 тонна ўрнига 104,6 тонна хомашё етказиб берди. Шу йилнинг тўрт ойи ичида эса бор-йўғи 8,6 тонна, белгиланганидан 48,4 тонна кам пилла олинганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ:

— Атлас — халқ ижодиёти маҳсули. Унинг жозибаси фақат ял-ял ёниб, офтобда камалак мисоли товланишида, дегувчилар янглишадилар. Атлас — миллатимиз фахри, у — бойлигимиз. Ҳақиқий жозибаси шу эмасми? Шунинг учун бу маҳсулотнинг аввалги шуҳратини тиклаш, унинг харидоргир ва рақобатбардош бўлишига эришиш мақсадида рекламани кучайтириш талаб этилади. Қанийди, «Наманганнинг табиий ипакдан тўқилган атласини кийинг, жонингиз роҳат қилади, ҳуснингизга-ҳусн қўшилади!» деган ёзувлар битилган, шу жилвагар газламадан тикилган кўйлак кийиб, табассум ҳадя этиб турган ўзбек қизи сурати туширилган рекламалар ҳамма жойда бўлса! Бу хайрли ишга нафақат «Ўзенгилсаноат» уюшмаси, балки «Тасвирий ойина» агентлиги, телевидение, газеталару журналлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоғи зарур.

Бу фикр-мулоҳазалар жўялики, уларни келгусида инобатга олиш фойдадан холи бўлмайди. Аммо ҳозир асосий масала барибир корхонани молиявий соғломлаштириш муаммосидир. Айтишларича, корхонада республика «Ўзбек ипаги» уюшмаси маладида ана шу мақсадга йўналтирилган бизнес-режани амалга оширишга киришилган. Бу — яхши. Бироқ унинг даромадини оширадиган яна бир омил ҳам ўз ечимини кутаётганини айтиб ўтмасак бўлмас. У ҳам бўлса, чет эллик инвесторларга сотиш учун ажратилган акция пакетларидир. Низомга кўра, бундай қимматли қоғоз улуши 20 фоиз бўлиб, жами 21 миллион 909 минг 747 сўмлик, яъни 23 минг 601 дона акция чиқарилган. Афсуски, унинг атиги 2054 донаси (1 миллион 123 минг 538 сўмлиги) сотилган, холос. Қолгани эгаларини кутмоқда.

Президентимиз ўша Кенгаш мажлисида шундай устувор вазифани ўртага қўйдилар: **мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион жараённинг асосий тамойилларидан бири хорижий сармояларни хусусийлаштирилаётган ва давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишга жалб этишдир**. Бу вазифа бажарилса, давлат бюджетига тушадиган маблағ миқдори янада кўпаяди. Бюджет маблағи кўпайдими, юртимиз бундан-да обод ва кўркам, турмушимиз эса тағин-да баракотлию файзли бўлади.

Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўтиш даври қандай кечаяпти?

ДАРЁЛАР ОРҚАГА ОҚМАЙДИ

Таҳлил

Олтинсой Сурхондарёнинг узумчиликка ихтисослашган тумани бўлиб, унинг 5 минг гектар узумзорию 50-60 минг тонна узумни қайта ишлаши мумкин бўлган корхоналари бор.

Узум Олтинсойнинг жилғаларини ростакамига тиллога айлантириб юбориши мумкин бўлган зироат. Меҳнати енгил. Ҳосилдорлиги баланд. Бозори чаққон. Бултур, масалан, икки бозорда яхши узумнинг нархи 100 сўмдан, майизники 300 сўмдан пастга тушган эмас. Узумни қайта ишлаш технологиясининг бойлигини, қулайлигини, самарадорлигини айтинг.

Ўтган йили узум ҳосилининг кўри туманда паст бўлди. 20 минг тоннача узум ишлаб чиқарилди. Ҳосилдорлик гектарига 40 центнерга етиб-етмай қолди.

Олтинсой, билсангиз, бундан беш-олти йил аввал олтмиш минг тоннага яқин узум етиштирган.

Ҳосилдорлик нега пасайиб кетди. Пасайиб кетмоқда. Жавоб битта: обҳаво шароитлари бултур гўё узумчилик учун ноқулай келган. Намгарчилик юқори бўлибми, токзорлар ҳашаротдан зарарланган. Офатнинг олдини олайин десалар, вақтида химикат, химикатга пул топилмаган ва ҳоказо...

Хўп, деймиз. Ток дарахтининг қушандаси кўплигига эътироз қилолмаймиз. Лекин, эътирозимиз мутлоқо йўқ, деб ҳам айтолмаймиз. Демоқчимизки, маълумотларда ёзилишича, Олтинсойда 184 гектар шахсий токзор бор. Томорқачилар бултур 3290 тонна узум етиштирди. Демак, улар ўртача бир гектар токзордан 179 центнердан хосил олишди. Хўжалик билан томорқачи эришган натижадаги фарқ кўриб турганингиздай — қарийиб 140 центнер. Нима, бор хавф-хатар, бор касаллигу ҳашарот раис раҳбарлик қилиб турган пайкалга ёғиладию, томорқачининг зироатини четлаб ўтади, деб ўйлашимиз керакми? Маҳсулотни, жумладан узумни экспорт қилиш, қайта ишлашда ҳам томорқачилар раису агроном акаларидан ўн-йигирма йилга илгарилаб кетгандай. Томорқачилардан гап очсангиз, идорачилар ерга қарагандай, ерга, зироатга эгалик қилишда томорқачилардан орқада қолишаётганини эътироф этишаётгандай. Умуман баҳона ё унчамунча сабабларни қалқон қилиш билан бугун обрў орттириб бўлмаслигига ишонишади. Ҳа, тўғриси, шу пайтгача қишлоққа раис (калхўзнинг, жамоа хўжалигининг раиси) эгалик қилиб келди. Қўйиб берсангиз, бу мавқеини ҳали замон қўлдан бериш чўти йўқ. Лекин энди эски тартиблар билан ишлашнинг ҳам иложи йўқ. Мумкин эмас. Шуни билганлар ҳозир ўз хўжаликларида оилавий пудрат усулини, ширкат бўлиб ишлаш усулини қўллай бошладилар. Шу йилнинг ўзида тумандаги бешта хўжалик ширкатга ўтди. Яна бештаси ширкатчиликни қўллашга тайёрланмоқда. Лекин токзорларни ижарага сотиш — суст.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг маълумотига кўра, мисол тариқасида олинган олтита хўжаликдаги 1289 гектар токзорнинг 17 гектари хусусийлашган, холос. 217,33 гектари пудратга берилган. Қолган майдонларнинг эгаси бўлса ҳамон — раислар.

Узумчиликни ривожлантириш, уни чинакамига сердаромад тармоққа айлантиришдаги ташкилий юмушларни ихчамлаштириш, соддалаштиришга бўлса бизнингча яна бир муаммо ҳалақит қилаётган кўринади. Гап шундаки, Олтинсойнинг деҳқончилик билан шуғулланаётган хўжаликлари уч қисмга, уч тойфага ажратиб ташланган: тўртта хўжалик "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компаниясига қарашли "Олтинсой шароби" фирмаси тасарруфида. Тўртта хўжалик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига бўйсунади. Яна саккизтасига бўлса вилоят мевасабзавот ишлаб чиқариш бирлашмаси хўжайин, "Сайрак" хўжалигининг раиси Хушбоқ Жумаевнинг айтишича, бирлашманинг идораси Термиз шаҳрида. Олтинсойдан 140-150 чақирим узоқликда. Қароргоҳию бошлиқлари тез-тез ўзгариб, алмашиб турадиган бу идора ўз тасарруфидаги хўжаликларга айрим ресурсларнинг фондини тақсимлаб беради. Ҳисобот сўрайди. Амалий ёрдам сўраб борсангиз...

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг муовини Шойдулла Соатовнинг айтишича, бирлашма ихтиёридаги хўжаликларнинг мутахассислари бош идораларининг узоқда жойлашганидан фойдаланмоқчи бўлишади. Бошқармасининг тавсия ёки талабларини эшитмаганга олишади. Бошқаришдаги кимлар-гадир енгиллик ва кимлар-гадир қийинчилик бўлиб турган бу ҳолатга бўлса ҳозирча ҳеч ким муносабат билдиргиси келаётгани йўқ.

Туман ҳокимлигининг бўлса тескари оқимни — узум етиштиришдаги қолоқликни тўхтатишга муносабати бу йилдан қатъийлашди. Бу аввало, ҳосилни қайта ишлаш корхоналари олдига қўйилаётган талабчанликда кўринади. Олтинсойда мевани, узуму сабзавотни қуритиш заводи бор. Хорижнинг — Италиянинг илғор технологияси билан жиҳозланган. Тап-тайёр хазина, олтиндан қиммат, валюта муомалаларимизга қувват бўла оладиган бу завод уч йилдан буён тақа-тақ тўхтаб қолганди.

Энди заводнинг дошқозони таъмирланди. Жиҳозлар созланди. Мутахассисларнинг малакаси оширилди. Бу йилги мавсумда заводда пиёз, карам, сабзи қоқ қилинади. Қуритилади. Беш-олти хил мевадан туршак, хўраки узумдан майиз тайёрланади. Ана ўшанда ташқи бозор корхонанинг эшигини тақиллата бошлайди.

"Олтинсой шароби" фирмаси ҳам бу йил бор қувватини ишга солмоқчи.

Ҳокимлик тармоқда мулкка эгалик қилиш кайфиятларини шакллантиришда ҳам яхши ташаббусларни қўллаб-қувватласа, кўпроқ ҳаётга жорий қилса ва узум етиштиришда яна 60 минг тонналик маррага чиқиб олса, хулласи калом булоқларнию жилғаларни бир-бирига қўша билса, тўлқинлар мавж урар.

Олтинсой ўз номига монанд оқимини топар.

. Олимжон УСАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ВИЛОЯТЛАРДА

ҲОСИЛ ЎРИМ-ЙИҒИМИГА ЭЪТИБОР

ФАРҒОНА вилояти Бешариқ туманида ғалла ўримига тайёргарликка бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари "Рапқон" дон саралаш-уруғчилик корхонасида бўлиб, Венгриядан келтирилган янги агрегатнинг қандай ишлаши билан танишдилар, "Рапқон" ширкат хўжалигида эса тўрт гектарли майдонга синаш учун экилган 33 хил буғдой нави ривожини кўздан кечирдилар.

Сўзга чиққанлар жорий йилда вилоятда кўзланган ҳосил етиштирилганини таъкидлаб, уни қисқа фурсатда нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун мавжуд барча техника воситаларидан самарали фойдаланиш, далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Шунингдек, семинарда ғўза парваришини жадаллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Кенгашда вилоят ҳокими Н. Мўминов сўзга чиқди.

Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири

МУЛККА ЭГА БЎЛИШ ВАҚТИ ЕТДИ

ХОРАЗМ вилояти ҳокимлигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва тезлаштириш, шу ҳисобдан республика ва маҳаллий бюджетларга маблағ тушириш борасидаги қарорларининг вилоятда қандай бажарилаётгани масалаларига бағишланган кенгаш бўлди.


Кенгашда шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг иқтисодиёт бўйича ўринбосарлари, Давлат мулк кўмитасининг вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари, банклар, солиқ ва молия органлари раҳбарлари иштирок этди.

Кенгашда вилоят ҳокими И. Бобожонов сўзга чиқди.

Т. ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

ФОТОрепортаж

МУРУВВАТ СОҲИБЛАРИ







Фурқат тумани ҳокимлиги ишбилармон ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг фаолият юритишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Бу эса ишбилармон ва тадбиркорларнинг имкон даражасида иш юритишларига, янгидан иш ўринлари ташкил этишларига, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришига шароит яратмоқда. Жумладан, Расулжон Мелибоев раҳбарлик қилаётган «Рўзиматжон ота» хусусий савдо фирмаси ҳам бу мурувватдан бебаҳра қолмади. Айни пайтда фирма қошидаги қандолатчилик цехида ишлаб чиқарилаётган оққанд, пашмак, печенье ва бошқа маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топган. Цехда кунига икки тонна турли қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига етказиб бериламоқда.

Яқинда фирма қошида яна бир линия иш бошлади. Ушбу цехда бўз, дока ҳамда сочиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

СУРАТЛАРДА: қандолатчилик цехи ишчиси Зуҳрахон Насимова; фирма бошлиғи Расулжон Мелибоев ишчи Аҳмадали Ўлмасов билан; бўз тўқувчи Севимхон Мелибоева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Қўшма корхоналарда

ПЕШТАХТАЛАРДА ... ЯНГИ ЎЗБЕК МОЙИ

Бунга «Андижон Фларуп Ойл компани» Ўзбекистон-Америка-Бельгия қўшма корхонасининг ишга туширилиши туфайли эришилди

Мазкур корхонанинг фойдаланишга топширилиши иқтисодиётни янада барқарорлаштириш, четдан келтирилаётган маҳсулотларга сарфланаётган валютани тежаш, янги иш ўринларини вужудга келтириш, қолаверса, техник ёғни истеъмол мойига айлантириб, аҳолининг ана шу маҳсулотга бўлган талабини қондириш имконини беради. Бу корхона «Ёғмойтамаки-саноат» республика уюшмаси, «Андижонёғмой» ҳиссадорлик жамияти ҳамда АҚШнинг «Апланд Энтерпрайзис», Германиянинг «Киркфельд», Бельгиянинг «Фларус НВ» компаниялари ҳамкорлигида барпо этилди.

Чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳисобига қўшма корхоналар сони қанча кўпайтирилса, улар замонавий, ихчам технологиялар билан жиҳозланса, бозор сифатли маҳсулотлар билан шунча сероб бўлади, экспорт ҳажми кўпаяди. Бу ерда ҳам масаланинг ана шу томонига эътибор қаратилди. Корхонага Германия ва Франциянинг энг мукаммал технологияси келтирилди. Улар ёрдамида иккиламчи хомашё ҳисобланиб келинган минглаб тонна техник ёғ қайта ишланади ва озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмолчиларга етказиб берилади.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пахта ёғининг тиниқлиги дунё талаблари даражасидан ҳам юқори туради, — ҳикоя қилади унинг раҳбари Одилжон Далишев. — Чиқитсиз технология асосида иш юритилаётган корхонамизда бир кеча-кундузда қирқ тонна ёғ доғланган ҳолда сотувга чиқарилмоқда.

— Унинг иқтисодий самараси ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бир тонна техник ёғнинг баҳоси 51.133 сўм. Вилоятда аввалдан фаолият кўрсатиб келаётган ёғ ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳар йили тўпланиб қоладиган 12 минг тонна атрофидаги хомашёдан 650 миллион сўм миқдорида даромад олинаётир. Бир қарашда бу ёмон эмас. Бироқ ўша хомашё, яъни техник ёғ қайта ишланганда, унинг нархи кескин кўтарилади. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, корхонамиз ана шу маҳсулотни қайта ишлаб, тўрт миллиард сўм атрофида даромадни қўлга киритмоқда.

Эътиборга молик томони яна шундаки, жамоа ёғ қуйиладиган идишларни четдан излаш, уларни катта харажатлар эвазига келтириш ташвишидан ҳам қутулди. Франциянинг «Стека» компанияси мутахассислари 341 640 АҚШ доллари эвазига корхонанинг ўзида сиғими бир литрли полиэтилен идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. «Ақлли» дастгоҳлар йилига 12,2 миллион дона идиш тайёрлашдан ташқари, ёғни қуйиб беради, чиройли ёрлиқларни ёпиштириб қадоқлайди.

— Мен Бельгияда ўзбекистонлик тадбиркорлар билан учрашиб қолдим, – дейди «Фларус НВ» компаниясининг Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича раҳбари Лоран Антоокс. – Улар менга қўшма корхона очиш тўғрисида таклифни айтишди. Компаниямиз мутахассислари лойиҳани катта қизиқиш билан ўрганиб чиқишди. У бизга маъқул тушди. Биз 96 664 АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратдик. Сизларда хомашё мўл, одамларингиз, айниқса, ёшлар серғайрат, уқувли, билимдон. Биз биринчи бўлиб Андижонда иш бошладик. Бу хилдаги қўшма корхоналарни Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этмоқчимиз.

Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган мазкур корхона ўзининг дастлабки маҳсулотини харидорларга тортиқ этди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК,

у хўжаликка нима берди?

Биз, раҳбарлар Юртбошимизнинг катта-кичик йиғинлардаги, айниқса, Олий Мажлис сессияларидаги маърузаларини синчиклаб, мағзини чақиб ўқишга, ўзимизга керакли асосий йўл-йўриқларни уқиб олишга одатланганмиз. Хусусан, мен ҳар сафар Президентимизнинг нутқ ва маърузаларидан хўжалигимизнинг бундан буёнги ривожи учун асқотадиган янгиликларни илғаб олиб, амалда қўлланишига ҳаракат қиламан.

Юртбошимизнинг республика Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаларида "ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини эркинлаштириш" йўл-йўриқларини атрофлича шарҳлаб берганликлари ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилувчи муҳим янгилик бўлди, десак янглишмаймиз. Айниқса, "Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштиришдан мақсад биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини мустаҳкамлашдир", деган фикр қишлоқ хўжалик корхоналари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Мустақилликда кечган саккиз йил давомида биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга босқичма-босқич иқтисодий эркинликлар бериш ижобий самаралар келтиришини амалда ҳис қилдик. Буни биргина бизнинг хўжалигимиз эришган натижалар мисолида изоҳлаб бериш мумкин.

Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, дала ишларини оила пудрати усулига ўтказиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини эркинлаштириш демакдир. Бу усул деҳқоннинг ўз ихтиёрини ўзига бериб, эркин фикрлашга, мустақил ҳаракат қилишга замин яратади. Қолаверса, хўжалик бошқаруви ҳам ички инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда тўла эркинликка эришади. Ҳар бир бўғин раҳбари иш юритишда мустақил бўлади.

Масалан, бизда деҳқончилик соҳасини тўла тасарруф этадиган алоҳида ва мустақил далачилик ширкати бўлиб, унга олий маълумотли мутахассис Умрзоқ Раҳмонқулов раҳбарлик қилади. У корпорация раисининг муовини ҳисобланиб, шоли ва ғаллани экишдан бошлаб, ҳосилни саранжомлаб олишгача бўлган барча агротехника тадбирларининг мароми ва пировард натижаси учун масъул.

Бизда йил-ўн икки ой ишлатиладиган барча турдаги техника воситалари ҳам алоҳида ширкатга бириктирилган. Хўжалигимизда эса техника оз эмас. Чунки, йилига 2250 гектар майдонда шоли, 200 гектардан зиёд ерда ғалла етиштирилади. Етарли техникага эга бўлмай туриб, шунча ҳосилни ўриб-янчиб, ташиб, саранжомлаб олиш қийин. "Агротехширкат" раиси Шавкат Ҳакимов — тажрибали мутахассис. Техника таъминотини унга ишониб топшириб қўйганмиз. У эса ишончимизни оқлаяпти. Таққослаш учун битта мисол келтираман. Туман машина-трактор паркида 8 та дон комбайни бўлса, хўжалигимизда "Кейс"нинг ўзидан олтита бор. Кўриниб турибдики, биз бу соҳада ҳам эркин ва мустақилмиз. МТПлар хизматига муҳтож эмасмиз. Керак бўлса ҳар йили ғалла ўрими мавсумида туманимиз хўжаликларига ёрдам берамиз. Масалан, ўтган мавсумда ҳар битта "Кейс" комбайнимиз 2 миллион сўм қўшимча даромад олиб келди.

Шоли экиладиган майдонлар илгаридан бригадаларга бўлинган. Бугунги кунга келиб эса, ҳар бир бригада битта пудратчи оилага айланган. Ҳар бирида 10-15 киши ишлайди. Улар асосан бир оила аъзолари ва қисман қариндош-уруғлардан иборат. Бригадаларга янги ишчи олиш ёки бўшатиш бригада бошлиғи ва аъзоларнинг ихтиёрида. Бошқарув раҳбарлари бу масалани уларнинг таклифини инобатга олган ҳолда ҳал этади.

Соҳаларга эркинлик берилганлиги боис бизда шоли ҳосилдорлиги барқарор. Ҳар йили 53-55 центнер атрофида бўлади. Бригадалар учун ҳам режани ўзимиз белгилаймиз. Масалан, ҳосилдорлик 45 центнер қилиб режаланган. Шундан ортиғини ҳар бир бригада ўз аъзоларига қандай ишлаганига қараб тақсимлаб беради. Айрим шоликорларимиз бундан катта даромад қиладилар. Жумладан, Озод Акбаров, Турдибек Умарбеков, Валерий Тхай бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик йилига 65-70 центнердан кам бўлмайди. Демак, гектаридан 2-2,5 тонна пудратчиларнинг ўзларига қолади. Ҳар бир бригаданинг ери 100-120 гектар. Кўриниб турибдики, ҳар йили 200-250 тонна шоли 10-15 пудратчи ўртасида тақсимланади. Бу пулга чақилса, шоликорларимизнинг ўртача даромадлари келиб чиқади.

Хўжалигимизнинг умумий даромади ҳам шунга яраша, албатта. Масалан, ўтган мавсумда соф даромад 108 миллион сўм бўлди. Уни тасарруф этиш борасида ҳам бизга катта эркинлик берилган. Лекин биз имкониятни суиистеъмол қилмаймиз. Чунки, пул топишни эмас, уни сарфлашни биладиганлар бойийди. Деҳқончилик учун керакли маъданли ўғит ва гербицидларни олдиндан ғамлаб қўямиз. Дарвоқе, бу ҳам фойдадан ҳоли эмас. Қаранг, ўтган йили бирйўла 1,5 тонна чет элда ишлаб чиқарилган гербицидни омборимизга босиб қўйгандик. У пайтда бир килограмминг нархи 5300 сўм эди. Бу йил эса 8 минг сўмга чиқибди. Демак, биз фақат гербицариднинг ўзидан 4 миллион сўмдан зиёд маблағни тежаб қолдик. Бу ҳам хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик берилаётганлигининг шарофатидир.

Иқтисодий эркинлик — иқтисодий мустақилликни таъминлайдиган омил. Бизнинг "Ғаллабанк"даги ҳисоб варағимизда ҳар доим 100 миллион сўм атрофида маблағимиз туради. Ҳукуматимиз томонидан турли текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятига ноўрин аралашишни, текширишни ва тафтишлар сонини кескин чеклаб қўядиган қатор қарорлар қабул қилингани эса, жамоамиз аъзоларининг ҳалол меҳнатлари билан бунёдга келаётган ана шу миллион-миллион сўм маблағимизни ўз ихтиёримиз билан тасарруф этишимиз учун имкониятлар яратиб берди. Мен хўжалигимизнинг собиқ ва ҳозир ишлаб турган аъзоларини, пенсионер, нафақахўр, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, тиббиёт ва халқ таълими соҳаларида хизмат қилаётган ҳамқишлоқларимизни имконият даражасида ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутмоқдаман.

Шоликорларимизнинг ойлик даромадлари ўртача 30 минг сўмдан тўғри келмоқда. Кўриниб турибдики, уларнинг турмуш даражаси чакки эмас. Шу боис биз кўпроқ муҳтож оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб туришга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Жумладан, 400 дан зиёд пенсионерларимизга ҳар йили 100 килограммдан бепул шоли берамиз. Ўқитувчи ва шифокорларга эса таннарх, яъни энг арзон баҳода сотамиз. Бундан ташқари меҳнат фахрийларини, кекса ва ногиронларни байрамларда йўқлаб, совға-саломлар улашамиз. Чунончи, бу йил Хотира ва Қадрлаш кунида 200 нафардан зиёд фахрийларимизга байрам дастурхони ёзиб, совғалардан ташқари 2 минг сўмдан пул бердик.

Пировардида Юртбошимизнинг Олий Мажлис сессиясида таъкидлаган ушбу сўзларини яна бир бор ёдга олмоқчиман: **"Ҳаётда ҳар нарсанинг ўз баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам, албатта, ўз тош-тарозиси бор".** Биз хўжалик фаолиятимизда ана шу тош-тарозининг посонгисини тўғри қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу борада бизга иқтисодий эркинлик жуда қўл келмоқда.

Турсунхўжа ИСКАНДАРОВ,
Қуйичирчиқ туманидаги А.Навоий номли халқ корпорацияси бошқаруви раиси.

НАФРАТ ВА ГАЗАБИМИЗ ЧЕКСИЗ

Кейинги кунларда Тожикистонда бўлаётган воқеалар ҳақида у ёр-бу ердан узук-юлуқ маълумотларни эшитиб турган эдик. "Халқ сўзи" газетасида яқинда эълон қилинган "Тожикистоннинг беҳаловат кунлари" мақоласини синчиклаб ўқиб, қўшни республикада бўлаётган сиёсий можаролар хусусида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлдик. Унда кишини ҳушёр торттирадиган, ўйлантириб қўядиган мулоҳазалар билдирилган.

Мақолани мутолаа қилиш жараёнида маълум бўладики, Бирлашган тожик мухолифати расмий ҳукумат олдига қўяётган энг қалтис талаблардан бири сайлов масаласига дахлдордир. Маълумки, Тожикистонда президентлик сайловларини шу йилнинг олтинчи ноябрида, парламентга бўладиган сайловларни эса икки мингинчи йилнинг февралидан кечиктирмасдан ўтказиш белгиланган эди. Бироқ, "сиёсий иштаҳани" қарангки, сайловларни демократик қонун-қоидалар асосида ўтказиш бўйича ҳукумат белгилаган тартиб ва фурсат ўзини "улкан сиёсатчи" санаётган Саид Абдулло Нурийга маъқул келмаяпти. Шу сабабли у парламентга бўладиган сайловларни президентлик сайловларидан олдин ўтказишга эришиб, мамлакатда ўз "сиймо"сида акс этган Бирлашган тожик мухолифатининг тартибини ўрнатишни мўлжалламоқда. Ҳукумат таклиф этаётган режани — сиёсий келишув йўлини мутлақо инкор қилаяпти.

Очиғини айтганда, юрагида давлат раҳбари бўлишдек хомхаёл, ҳавойи истак хуруж қилаётганини яширолмаяпти. Барча сиёсий ўйинмаромалар шу худбин истак хуружи туфайли содир бўлаётгани айни ҳақиқат. Узоқни кўзламай қўйилаётган бундай қадамлар Тожикистон ҳукумати ва Бирлашган тожик мухолифати ўртасида эришилган умумий ярашув битимининг асосий ҳолатларига зид эканлигини хорижий кузатувчилар ҳам айтмоқдалар. Бу эса миллий давлатчилик ва инсон ҳуқуқлари тамойилларини қарор топтириш, бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврини бошдан кечираётган қўшни республикада минг машаққат билан сақлаб турилган тинчлик жараёнларини боши берк кўчага бошламоқда.

Юзага келган вазият муносабати билан Тожикистон ҳукумати расман баёнот бериб, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий шароитга, халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланмаган талабларни ультиматив тарзда қўйишга йўл бериб бўлмаслигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, бундай сиёсий талаблар Тожикистон ҳукумати ва Бирлашган тожик мухолифати ўртасида эришилган музокаралар жараёнини маҳдуд баҳсларга айлантириб қўяди.

Афсуски, сиёсий тангликни бартараф этишда Саид Абдулло Нурий етовидаги Бирлашган тожик мухолифати оқилона йўлни четлаб ўтишга ҳаракат қилмоқда. Чунки у ва унинг тарафдорлари талаблари улар хоҳлаганчалик адо этилмагач, аввал ҳам бир неча бор қуролли чиқишлар билан ўз мақсадлари сари интилганлар. Умуман олганда, ниятларига эришиш йўлида ҳеч нарсалан тоймайдилар. Одамларни, болаларни аввал ўғирлаб кетиб, кейин қайтариб бериш эвазига молдунё талаб қилаётганлар, топиб беришга қурби етмаганларни жисмонан йўқ қилишдан-да тоймайдиганлар орасида уларнинг бузғунчилари йўқ деб ўйлайсизми?! Тўй, маърака уйюшмаларини хонадонларга қузғундек ёпирилиб, тўйларни азага, маросимларни жанозага айлантираётганлар орасида-чи?! Тегирмондаги унни, омборлардаги буғдойни, дастурхондаги сўнгги бурда нонни, эл-улуснинг ризқ-насибасини талаётганлар аслида кимлар?! У қандай инсон боласики, ҳокимиятнинг бир парчасини барча азиз, муқаддас ва мўътабар тушунча-ю, туйғулардан юқори билса? Қўлига қурол олиб, ўз ватандошлари, миллатдошлари, тилдош ва диндошларига ўқ узишдан-да тоймайдиган булар ким ўзи? Уларнинг орқасида ким, кимлар турибди? Хайрихоҳлари, ҳайбаракаллачилари қаерларда макон тутишган? Кимга таяниб республика ҳукуматига шу даражада кескин талаблар қўйишмоқда? Чет эллардаги уларни қўллаб-қувватловчилар, кифтига қоқиб, офарин, деб турувчилар бордир. Моддий таъминотчилари, сармоядорлари ҳам оз эмасдир.

Яқинда Тожикистоннинг Жиргатол туманида ўн етти нафар ёш йигитларни қатл эттирган "ислом лашкарлари" пешволари Жума Намангоний ва Тоҳир Йўлдош сингари ғаламисларнинг Бирлашган тожик мухолифати тасарруфидаги ҳудудда паноҳ топганлиги бизни, айниқса, жиддий ташвишга солади. Уларнинг ёвуз қилмишлари таълим берган "устоз"ларининг "каромат"ларидан қолишмайди. Оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган қабиҳ жиноят ҳақидаги хабар бутун халқимизнинг нафратини уйғотди. Ота-она, ака-ука, ёр-биродарга меҳр-муҳаббат билан тўла қалбларни жунбушга келтирди.

Яратганнинг мусулмон бандаси ҳар қандай кишилар ёки гуруҳлар ўртасида чиқиши мумкин бўлган оддий нифоқ ёки оддий низо туфайли ўзига ўхшаган бир мусулмон бандани бошидан жудо қилиши, мусулмончилик қоидаларига зид равишда кафансиз кўмиб ташлаб, тағин бемалол тоат-ибодат қилиши мумкинми? Унинг қилган тоат-ибодатлари қаёққа кетади?! Қўллари билагигача қонга ботган бу ашаддий газандалар қандай қилиб тунларда хотиржам ухлай оладилар?! Уларни қатл этилганларнинг арвоҳлари кечалари безовта қилмайдими?! Шафқатсизларча қатл этилиб, бекафан кўмилганларнинг ота-оналари Жума Намангоний ва Тоҳир Йўлдошларнинг жаллоду шотирларини қанчалик қарғаётганини, қанчалик лаънатлаётганини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бу қарғишлар жаҳолат ботқоғига ботган қонхўрларни, ўзларини бўлмаса болаларини урмайдими?! Уларнинг ҳам азиз фарзандлари бордир, бу лаънатлар фарзандларининг бўғзидан тутмайдими?! Ҳа, тарихда уларнинг номи абадий исноғга қолди. Тегирмонига кимлар сув қуйиб тургани очиқ-ойдин билиниб қолди. Кимга, кимларга хизмат қилаётганликлари аён бўлди. Ўз куфр ишлари билан авлодларнинг нафратига ҳам учрайдиган бўлдилар.

Ҳар бир давлатнинг ўз ривожланиш йўли, муваффақиятлари ва ўз муаммолари бор. Уларни қай тарика ҳал этишни давлатларнинг ўзи ҳал қилади. Аммо тарихий, маънавий илдизлари муштарак халқлар сифатида Тожикистонда кечаётган воқеаларга халқимиз бефарқ қараб туролмайди.

Ўзбекистоннинг Тожикистон билан бир жўғрофий маконда, юртимиздаги тинчлик, барқарорликка таҳдид сақланиб қолаётган ягона минтақада жойлашуви бизни янада ҳушёрликка, огоҳ бўлишга ундайди. Зеро, Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида таъкидланганидек: **"...Тожикистондаги беқарорлик бутун Марказий Осиёдаги барқарорлик ҳолатига ҳам, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди".**


Тожикистонда фуқаролик тотувлигига путур етиши Ўзбекистон чегараларидаги вазиятни мураккаблаштириши сир эмас. Юртимизга гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтиш, диний-сиёсий экстремист унсурларнинг суқулиб киришга уринишлари кучайиши мумкин. Бу эса ўз навбатида яратувчилик меҳнати билан банд бўлган халқимизнинг тинчлигига раҳна солади.

Юртбошимизнинг, таъбирлари билан айтганда, уларнинг пайини қирқишга кучимиз, шаштини синдиришга қурбимиз етади. Бу йиртқич тўда, газанда гуруҳ илдизи тупроққа ниш отолмайдиган мавсумий чирмовуққа ўхшайди. Яшилланиб, яшнаб кўкариб турган ҳар бир нарсани ўз домига тортмоқчи бўлади. Аммо чирмовуқнинг умри қисқа, ҳаёти қора. Уни доно одамлар, донишманд халқ бит-талаб териб, четга улоқтириб ташлайди.

Яқинда мамлакатларимиз ўртасида террорчилик, диний ва сиёсий экстремистик йўналишлар ҳамда наркобизнесга қарши кураш бўйича ҳукуматлараро битим имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида эришилган давлатлараро ва ҳукуматлараро келишувлар, ҳар хил соҳаларда имзоланган турли даражадаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалий ижросини таъминлаш мажбурияти Тожикистонда тинчлик-тотувлик бўлишидан бизнинг манфаатдор эканлигимизни кўрсатади. Ҳар икки томон зиммасига катта масъулият юклайдиган ушбу ва бошқа бир нечта ҳужжатлар минтақада, хусусан Тожикистонда барқарорликни таъминлашнинг кафолатидир.

Салим АШУРОВ.

ЖАҲОЛАТ ХУРУЖИ





Сирдарё туманининг «Малек» ширкатлар уюшмасидаги «Чорвадор» наслчилик заводи жамоаси ушбу йилда чорвачиликни ривожлантириш борасида қатор ишларни амалга оширди. Мазкур наслчилик заводида асосан «ола» зотли қорамоллар боқилади. Бу ерда мавжуд 728 бош қорамолнинг 375 таси соғин сигир. Жорий йилда зотли қорамолларни кўпайтириш мақсадида 750 гектар майдон ажратилди. Ажратилган ерга чорва моллари учун озуқабоп экинлар экилди.

Айни пайтда бу ерда 62 нафар ишчи хизмат қилмоқда. Улар учун ҳам барча шароитлар яратилган.

Заводда бўлиб, чорвадорлар фаолияти билан танишсангиз, бу ерда ишларнинг бароридан келаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) бош зоотехник Абдулла Рустамов, бош ветврач Шевкет Мустафаев ва молбоқар Акбарали Холиқов; бузоқбоқар Робия Қўйбоқова.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

БИЛАСИЗМИ, ТЕЛЕФОННИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

Мана юз йилдирки телефон инсонга турмушнинг турли хил ҳолатларида ишончли хизмат қилиб келаяпти. Бу оддий, ҳаётий норма, табиий ҳол бўлиб қолган. Телефон трубкасини қўлингга оласан, гаплашасан, ахборот алмашасан — ишингдаги муаммолар ҳам тез ва муваффақиятли ҳал бўлади, кўнглинг енгил тортади.

Кейинги пайтларда бизнинг яқин дўстимиз ва ёрдамчимиз бўлган телефон ўзининг иккинчи ҳаётини яшаяпти, деб ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин. Чунки у ўз зиммасига кун сайин кўпроқ қўшимча, янги хизматларни олаяпти, бу билан кишилар маиший турмушида янада енгилликлар туғдираяпти, уларга янада қулайроқ ҳаётий муҳит яратаяпти. Телекоммуникация ривожига катта таъсир кўрсатаётган фан-техника тараққиёти шарофати туфайли телефон нафақат сўзлашув воситаси, балки иқтисодий қувватнинг ўсиши, кишилар турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида амалга оширилаётган катта-кичик ишларнинг бевосита иштирокчиси ҳамдир. Телекоммуникация ҳақидаги ахборотлар, унинг тушунтириш қийин бўлган имкониятлари билан танишган одам бирдан оддий, одатий ҳаётдан мўъжизалар дунёсига тушиб қолади.

Дарҳақиқат, бугун телефоннинг қўлидан кўп иш келади. Аммо, битта шарт билан — у электрон рақамли бўлиши керак. Бундай телефонлар эса Ўзбекистонда деярли 700 мингтани, яъни мавжуд ишлаётган телефонларнинг ярмини ташкил этади. Кейинги йилларда нафақат пойтахтда, балки республикамизнинг барча вилоятларида қуриб, ишга туширилган янги электрон рақамли автомат телефон станциялари абонентларга қўшимча 80 турдан ортиқ ғаройиб хизматлар кўрсатишга шай турибди.

Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги электрон рақамли АТС ўз абонентларига ўндан ортиқ турда янги алоқа хизмати кўрсатмоқда, телефон орқали ахборот алмашишнинг турларини кўпайтириш, кенгайтириш масаласи ҳал этиляпти.

Абонентлар ҳозирда фойдаланаётган бундай хизмат турларининг ўзи нима?

Дейлик, шошаяпсиз, ҳеч ҳам вақтингиз йўқ, лекин ўзингизга керакли телефон рақамини тезда теришингиз керак. Шунда сизга рақамни қисқартирган ҳолда териш усули қўл келади. Сиз олдинроқ олти-етти сонли қисқартирилган кодлар сақланадиган ўзингизнинг рақамлар библиотекангизни ташкил этиб, бунга замин ҳозирлагансиз. Сиз қисқа кодни терсангиз бўлди, абонент тезда жавоб беради. Бундай хизмат шуниси билан қимматлики, сиз вақтдан анча ютасиз.

Умуман телефон рақамини термасдан ҳам абонент билан боғланиш мумкинми?

Ҳа, жуда мумкин. Дейлик, сизнинг амалий фаолиятингиз доирасида телефон орқали доимий боғланиб, тезкор алоқада бўлиб туришингиз лозим бўлган абонент бор. Ҳар доим телефон рақамларини териб, кўнғироқ қилавериш — бу вақтни йўқотиш, иш суръатини бой бериш, деган гап. Бу рақам программалаштирилса бўлгани, телефон трубкасини қўлга олганингиздан кейин 5-10 секунд вақт ўтгач автоматик равишда абонент билан боғланиш мумкин. Ёки, яна бир бошқача ҳолат — сизни қайсидир вақт ичида телефон кўнғироқлари билан безовта қилмасликлари лозим. Техника бундай кўнғироқларни таъқиқлаб қўйиш имкониятига эга — тинчгина ишланг, уйингизда ҳордиқ чиқаринг, сизга ҳеч ким халақит бермайди. Аммо, ўзингиз бировга кўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз — марҳамат: хоҳлаган пайтда алоқага чиқаверинг.

Мана бундай ҳолат ҳам тез-тез содир бўлиб туради, сиз кимдандир муҳим телефон кўнғироғи кутаяпсиз, сиз эса айни шу пайтда бошқа жойда бўлишингиз шарт. Шундай пайтда нима қилиш керак, деб ўйлайсиз? Бу жуда осон! Сизга келадиган кўнғироқ учун адресни ўзгартирасиз ва буни программалаштирасиз (АТС ҳудуди ичида). Сизга кўнғироқ қиладиган абонент, сизнинг телефон рақамингизни териб, сиз жойлашган бошқа рақамга, адресни ўзгартирган жойингизга тушади.

Яна мана бундай ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Сиз телефон орқали биров билан гаплашаётганингизда, учинчи бир шахс ҳам сиз билан боғланмоқчи бўлади ва янги чақириқ кела бошлайди. Агар сизнинг телефонингизда — янги чақириқ ҳақида билдириш хизмати мавжуд бўлса, сизга кўнғироқ қилаётган абонент «банд» деган товушни (қисқа гудок) эшитмайди, бошқаси эса кутиш товуши. Бу пайтда сизнинг телефондаги суҳбатингиз фонида сизга кўнғироқ қилишаётгани ҳақида огоҳлантирувчи яна бир товушли сигнал пайдо бўлади. Бундай ҳолда суҳбатни тўхтатиб, янги кўнғироқ қилаётган киши билан боғланиш ёки боғланмасликни сиз ўзингиз ҳал қиласиз. Аммо, яна бир жиҳати бор. Сиз навбатма-навбат ҳар иккала абонент билан ҳам гаплашишингиз мумкин.

Ишонасизми? Телефон будильник ўрнини ҳам боса олади. Қандай қилиб, дейсизми? Мана, дейлик сиз маълум бир вақтда уйқудан уйғонишингиз керак, уйғотадиган соатингиз эса йўқ, лекин сизда телефон бор. Зарур комбинация рақамларини териб, сиз телефонга керак пайтда жиринглаб, уйғотиш топшириғини берасиз, бу албатта содир бўлади. Сиз эса ухлаб қолмайсиз, керак пайтда уйғонасиз. Бу усулдан нафақат тунда, сергак бўлиш учун кундузи ҳам фойдаланиш мумкин. Программалаштирилган кўнғироқ сизга жуда ҳам муҳим масала билан шуғулланиш кераклиги ёки қаергадир жўнаш лозимлиги ҳақида эслатма беради.

Шунингдек, келадиган кўнғироқни автоинформаторга (почта қутисига) йўллашни таъминлаш, ёхуд рақам термасдан қайта қўнғироқ қилишни ташкил этиш, қўнғироқ қилаётган абонентнинг телефон рақамини тиклаш, келаётган чақириқни котибга ёки бошқа аппаратга жўнатиш ҳам мумкин.

Хизмат турларидан конференц алоқа, айтиш мумкинки, ғайриодатий хизмат тури ҳам мавжуд. Учта ёки ундан ортиқ абонентлар бир вақтнинг ўзида телефон орқали ўзаро суҳбатлашиши мумкин. Бирорта раҳбар ёки ахборот етказувчи бир нечта абонентга бирор хабарни етказиши керак бўлганда бу жуда ҳам муҳим. Ёки бирорта масалани телефонда, бир вақтнинг ўзида жамоа бўлиб муҳокама қилганда ҳам бу усул қўл келади.

Булар офис учун ҳам, уй учун ҳам яхши хизмат турлари ҳисобланади. Телефоннинг имкониятлари, улардан кишилар фойдаланишлари учун, кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Уларга қулайлик туғдириш, ишининг самарали бўлишида бу имкониятлар яхши асқотади. Телефон тармоғи Тошкент шаҳрида 120 минг, республика бўйича эса 750 минг абонентга ана шундай янги алоқа хизмати турларини кўрсатишга тайёр. Бошқача қилиб айтганда, биз учун янгилик бўлган бундай хизмат турларидан абонентларнинг ярми баҳраманд бўлиши мумкин. Бундай хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун абонент фақат АТСга(алоқа тармоғига) унинг аппаратини маълум янги хизмат турларига улаш ҳақида илтимос қилиб ариза билан мурожаат қилса ва частотали телефон аппаратига эга бўлса бас... Бундай телефон аппаратлари савдода етарли даражада топилади.

Хизмат ҳақи эса жудаям арзон: масалан, аҳоли учун улар 30 сўмдан 60 сўмгача атрофида бўлади. Ўрганиб қолганингиз оддий телефон аппарати оддий сўзлашувлар учунгина қулай бўлиб қолмасдан, у қўшимча юмушларни бажариш, инсонга ҳаётда ва ишларида катта ёрдамчи бўлишдек вазифани ҳам ўз зиммасига олади.

А. КУДИНОВ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган "TIB MADAD–SINO" хусусий фирмаси тугатилади. ОКПО коди 16961925. Эътироз ва даъволар эълон чиққандан сўнг бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 35-67-57.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоаси фонетика кафедраси мудири Н.М. Қамбарова отаси

Мансур ҚАМБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ижодчи» қурилиш ва механизациялаштирилган ишлар бошқармаси жамоаси бошқарув раиси Рафиқ Адиловга отаси

Мухсум АДИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ МУЗЕЙИГА ЯПОНИЯ ГРАНТИ

Ўзбекистон давлат санъат музейига Япония ҳукумати грантининг ажратилиши ўзаро маданий алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганининг натижасидир, дея баёнот берди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Коичи Обата, кунчиқар мамлакат ҳукуматининг совғасини топшириш маросимида сўзга чиқиб. 28 миллион йен ҳажмидаги грант Ўзбекистон санъати дурдоналарининг умрбоқийлигини таъминловчи музей ускуналарини сотиб олишга сарфланди. Мазкур ускуналарни Ўзбекистон пойтахтига Япониянинг "Сумитомо корпорейшин" корпорацияси етказиб берди.

Жаноб Коичи Обата ва маросимнинг бошқа қатнашчилари музей залларида янгидан намойиш этилаётган XVIII ва XX асрга доир япон санъати кўргазмасини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Кўргазма экспозициясидан чинни буюмлар, фил суягидан ва садафдан ишланган рўзғор анжомлари, ҳашаматли аёллар кимоноси ва бошқа кўплаб осори-атиқалар ўрин олган бўлиб, улар япон халқининг бетакрор санъати билан яқиндан танишиш имконини беради. Кўргазмада Ўзбекистон давлат музейи бисотидан ўрин олган япон гравюраси катологининг тақдимномаси бўлиб ўтди. Санъатимизнинг ушбу даргоҳида 500 дан зиёд шундай асарлар сақланади.

Япония ҳукумати соғлиқни сақлаш, маданият ва таълим соҳалари бўйича мамлакатимизга бегараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётир. Беш йил мобайнида кўрсатилган ёрдамнинг жами ҳажми 70 миллион АҚШ долларини ташкил этади.


"Туркистон-пресс".



Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси вилоят медицина ходимлари учун энг хушманзара жой — Косонсойда ҳашар йўли билан 120 ўринли оромгоҳ ташкил этди. Эндиликда вилоят тиббиёт ходимлари ҳам ушбу оромгоҳда бўлишиб, дам олиб, ўзларининг саломатликларини тиклайдилар.

СУРАТДА: янги оромгоҳ кўриниши; ҳамшира Камархон Иззатуллаева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

Қорақалпоғистонлик юз нафарга яқин ёшлар ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Уларга Нукус шаҳридаги "Прогресс" тил ўрганиш марказида ўқишни муваффақиятли битирганликлари тўғрисида сертификат топширилди. Бу иқтидорли ёшлар қисқа муддат — икки йилда инглиз ва немис тилларини мукаммал эгаллаб олди. Энди улар ўзлари танлаган соҳа бўйича олий ўқув юртида ўқишни давом эттириши ё бўлмаса, у ёки бу ташкилот, корхона ва идорада таржимон бўлиб ишлаши мумкин.

Нукусда ушбу тил ўрганиш маркази ташкил этилганига етти йил бўлди. Шу вақт мобайнида уни қарийб 600 нафар ёшлар битириб чиқди.

А.ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

ЭМБЛЕМА ТАЙЁР


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан миллий эпик ижодиётнинг улуғ намунаси — «Алпомиш» достонининг минг йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Мамлакатимизда шу воқеа муносабати билан спорт байрамлари, илмий конференциялар, китобхонлар билан учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академияси Сурхондарё вилоят ҳокимлиги билан биргаликда «Алпомиш» достонининг минг йиллиги эмблемасини яратиш борасида республика рассомлари ўртасида танлов эълон қилган эди.

Танловда бир қатор таниқли график рассомлар ҳамда ҳаваскор ижодкорлар иштирок этди. Яқинда шу танловнинг якуни чиқарилди. Нуфузли ҳайъат тақдим этилган лойиҳалар орасида таниқли график-дизайнчи, рассом Анвар Мамажонов яратган лойиҳани ғолиб деб топди. Мазкур эмблема «Алпомиш» достони юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланди.

Ҳурматли газетхонлар! Қуйида сизга улуғ достон тўйи муносабати билан ишланган ана шу эмблема репродукциясини тақдим этамиз.

Ўз мухбиримиз.



Бола тарбиясининг энг нозик ва мураккаб палласи аввало оилада, кейин катта оила — маҳаллада кечади. Зеро, маҳалла жамиятнинг мустаҳкам таянч қўрғонидир. Агар ҳар бир маҳалла ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий-маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлса, юрт янада осойишта ва обод бўлаверади.

МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Фориш туманида бўлиб ўтган навбатдаги "Маҳалла куни"да ана шулар ҳақида гап борди. Жиззах вилояти умумий майдонининг 52 фоизини ташкил этувчи бу туман Нурота тоғ тизмаларининг баҳаво қир-адирларида жойлашган бўлиб, 133 қишлоқ, 2 шаҳарчани бирлаштиради. Унда 70 минг кишидан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур назари тушган Фориш тумани қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, оқсоқоллар ўзлари яшаб меҳнат қилаётган маҳалла ва гузарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларни чинакам маданият ва маърифат ўчоқларига айлантириш борасида хайрли ишларни амалга ошираётир. Жумладан, қисқа муддат ичида "Нурак" қишлоқ врачлик пункти, Осмонсой қишлоғида янги бозор, Илончи қишлоғида ўрта мактаб, Эргаш Камолов номли маҳаллада гузар барпо этилди. Туманда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо ва маиший хизмат тизими ҳам йилдан-йилга ривожланмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳолини газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш борасида ҳали кўп ишлар амалга ошириши зарурлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири

СЕН МЎЪТАБАР ЗОТ

Аёл! Сен ҳақингда ўйлаганимда азиз номинг билан муштарак бўлган Ватан хаёли вужудимни эгаллайди. Башарият тараққиётининг жамики пиллапояларида босиб келаётган залворли қадамларинг кўз олдимдан тизилишиб ўтади... Мана бир неча кундирки, оромим йўқ. Кечаги кун аёлининг аянчли қиёфаси жонижисмимни банд этган... Бир аёлки, худди шоир Фитрат айтганидай, эгнида йиртиқ, эски бир кўйлакдан бошқа кийими йўқ. Бош-оёқлари яланғоч, бақирурга товуши, қутилурга кучи қолмаган. Қарайман, кимсасизлик юкидан ориқланган танда золимона урилган қамчиларнинг яраси бор.

Аммо сен Аёлсан — онасан. Қудратинг ниҳоятда буюк, Нодираю даврон бўлиб ёниқ шеърий сатрлар битган, Тўмарис бўлиб юртини ёвдан ҳимоя қилган, Бибихоним бўлиб қудратли давлатни бошқаришга маслаҳатгўй бўлган, Зебунисо бўлиб юртга оналик қилган ҳам Сенсан.



Ақл-заковат билан жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган соҳибқирон Амир Темурдек, ҳазрати Навоию, Ибн Синодек буюк аллома ва етук арбобларни дунёга келтирган ҳам Сенсан.

Дунё яралибдики, Сен ҳамма учун азизу мўътабар бўлиб келгансан. Сени оламдаги энг буюк зот, деб улуғлашади. Қуръони карим, ҳадисларда ҳам азиз номинг эъзозланиб, Сен ҳақингда ажойиб қисса ва ҳикматлар битилган.

Сен ҳам бу ҳурмату эъзозларга лойиқ, доимо ибратли яшаб келгансан. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жабр-зулм ҳукмрон бўлган жамиятда ҳам чин инсоний қиёфангни йўқотмагансан. Ажойиб ахлоқ-одоб қоидаларини авайлаб-асраб, уларга сайқал бериб, келгуси авлодларга етказиб келгансан. Аллоҳ берган Аёллигингдан, оналигингдан ҳеч қачон юз ўгирмагансан, турмуш ўртоғингга муносиб жуфти ҳалол, фарзандларингга меҳрибон она, рўзғорингни саранжом-саришта тутадиган уй бекаси бўлишни уддалай билгансан. Вужудингдаги жамики гўзал фазилатларинг билан мукаммал Аёлликни кашф қилгансан.

Аммо яқин ўтмишда қадринг бир қадар ерга урилди. Бошингга тушган мусибатларни сўзлашга тил ожиз. Бу даврда гуллаб-яшнаган ўлка ёт қўлларга тушди. Юртда зулм жиловсиз кучга айланди. Ахлоқ иморати бузилиб, барчани нуру иймонга чорловчи ислом қадриятларининг машъали сўнди. Аҳлу донишларнинг унлари ўчди. Бойки, уламоки — заволга йўлиқди, халқ илм-маърифатдан йироқлаштирилди, адолатнинг пойи қирқилиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган норасоликлар, диёнатсизликлар авж олди. Бу балою офатлар Сенинг ҳаётингга ҳам ҳеч иккиланмасдан кириб кела бошладилар. Сен билан муомалада нозиклик, иззат-ҳурмат ўрнини мутлақо бегона туйғулар — эътиборсизлик, беписандлик кайфиятлари эгаллади. Сени эркаловчи, қалбингда ноёб туйғулар уйғотувчи нафис каломлар унутилди.

Сенга фақат ишчи кучи сифатида қараладиган бўлди. Кун бўйи тинка қуритар иш, кечқурун рўзғор ташвиши, қолаверса, меҳрингга, ардоғингга муҳтож гулдек нозик фарзандларинг. Сен шўрлик қай бирига улгурасан. Нозик елкангни эзиб турган зил-замбил юкнинг бир чеккасидан кўтарадиган кучнинг ўзи йўқ. Руҳингни ҳам, эркингни ҳам маҳв этувчи қора кучлар исканжаси остида қалбинг тубида яширинган иймонингдан, дардингдан-армонингдан бир оғиз сўз очолмадинг. Осмон Сендан йироқлашган, кўзинг — кўнгил кўзларинг хиралашганди. Кундузлари чарақлаб турган қуёшни, кечалари бутун оламни нурафшон қилган ою-юлдузларни кўрмасдинг.

Ногаҳон бутун оламни нурафшон этган Истиқлол қуёши қоронғу қалбингни чароғон этди. Юрагингга ором бағишлади. Даҳшатли ўйларинг тарқаб, бутун вужудингга ажиб ҳислар қуйилиб кела бошлади. Атрофга боқиб, юзкўзларида порлаган бахтиёрликдан гул-гул ёнган қавмдошларингни кўрдинг. Аёлларни оила ва жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг меҳнатини, гулдек нозик кўнглини авайлаб-асраш йўлида бутун мамлакатни оёққа тургизган Ислом Каримовдек буюк инсонни ато этган Аллоҳ таолога шукроналар келтирдинг.

Ҳа, Истиқлолнинг шарофати билан йўқотилган қадриятларинг қайтадан тикланди. Эътибору эъзозлар вужудингга ёруғ нур бўлиб оқиб кира бошлади, шуурингни бойитди, қалбингда улкан ўзгаришлар ясаб, Истиқлол ватанининг буюк келажаги сари етаклаб кетди. Ҳа, бугун Сен тарихий тақдиримизнинг энг бахтиёр кунларида яшамоқдасан. Меҳр ва ардоғлар оғушида, Муҳтарам Юртбошимиз паноҳидасан. Буюк келажакка элтувчи йўлнинг ёруғ ва равон кўчаларида шахдам одим ташлаб бормоқдасан. Лекин, юрган йўлингни қаричлаб, ютуқларингни бағри ҳасад ва ғараз ўтида куйиб, пайт пойлаб ётган ғанимларинг қадамингга болта урмоқчи, гуллаб-яшнаган ўлкангни топтамоқчи, мустақиллик-эркингга чанг солмоқчи, гўзал қалбингни муҳаббат ва эзгулик чашмалари ила ҳеч ким бахраманд этолмаган, кўнглингга йўл тополмаган ўша қаттол жамиятга қайтармоқчи бўлдилар. Қулоқларинг остида гумбурлаган портлашлар овози Сени бироз чўчитди. Бутун оламга ўт кетгандай бўлди назарингда. Ёнаётган кошоналарга термулганча даҳшатдан донг қотдинг. Шу заҳотиёқ қўлларингни дуога очиб Парвардигорга илтижо қилдинг... Эй қодир Эгам! Ватаним, халқим, Йўлбошчимни ўзинг асрагин! Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, Сенинг Парвардигордан илтижо қилиб сўраганинг, ҳалол ва пок ниятинг устун келди. Қора кучлар кирдикори ўтмади. Ватанинг тинч. Халқинг омон, Юртбошинг соғ-саломат ва бу зотнинг умри узун бўлиши ҳамда узоқ йиллар бошимизда раҳнамо, бошланган улуғ ишларга доно етакчи бўлиб қолишини яна бир карра Яратгандан сўрамоқдасан. Зеро, дили ёруғнинг йўли ҳам ёруғдир...

Эй, улуғ Ватан, ҳоқонлар ўчоғи! Эй балою офатларни енгиб ўрганган матонатли Аёл! Тинглаяпсанми, бугун ўлкангда ҳурлик, бахтиёрлик овозлари янада баралла янграмоқда. Ҳа, дунё халқини лол этган салтанатинг қайтадан тикланмоқда. Ўлкангда бутун борлиғи билан Сенга кўмак қилурга ҳозир миллион-миллион боланг бор. Буларнинг қонида Темурлар қони яна қайтадан уйғонмоқда. Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор энди. Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, ўлкангнинг эски шарафи ва улуғлиги албатта тикланажак!

Муяссар УМИРОВА

«ТУРОННИНГ БУЮК МАЛИКАЛАРИ»

«Тановор» рақс театри ва «Зарафшон» рақс ансамбли ижрочиларининг «Туроннинг буюк маликалари» деб номланган катта рақс дастури намойиши Қўқоннинг «Ҳамза» театрида давом этмоқда. Буюк шоираларимиз Зебунисо, Нодирабегим ва Увайсий ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи бу тадбир Аёллар йилига бағишланиб, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси билан ҳамкорликда ўтказилаётир. Дастурни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова саҳналаштирган.

Рисолат МАДИЕВА, «Туркистон-пресс» мухбири.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Марғилонда республика ёш хонандаларининг Ўзбекистон халқ хофизи Маъмуржон Узоқов номидаги анъанавий қўшиқ кўрик-танлови якунланди. Мамлакатимизнинг вилоятларидан келган қирқдан зиёд иқтидорли ёшлар уч кун давомида ўз санъатини намойиш этди. Фарғона вилояти Тошлоқ туманидан Аҳаджон Одилов ва андижонлик Мунаввар Чориева биринчи ўринни эгаллади. Тошкент вилоятидан опасингил Дилафруз ва Сарвиноз Очилова, андижонлик Адҳамжон Абдуллаев ва фарғоналик Алишер Исмоиловга иккинчи ўрин насиб этди. Марғилонлик Комилжон Азимов, тошкентлик Аброр Парпиев ва фарғоналик Абдумутал Ҳалилов учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолибларга мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

Расулжон Камолов, ЎзА мухбири.

Эшитдингизми?



ЖАНУБИЙ АФРИКАДА КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

Куни кеча Халқаро кураш ассоциацияси президенти номига факс орқали келган мактубда ана шу ҳақда хабар берилади.

Номада, жумладан, шундай дейилади: «22 май куни Жанубий Африка дзюдо федерациясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкентда ўтказилган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати тўғрисида ҳам сўз борди. Сизга шуни мамнуният билан хабар қиламанки, бизда катта таассурот қолдирган мафтункор ушбу спорт турини Африкада ҳам кенг ривожлантириш мақсадида бу ерда Жанубий Африка кураш федерацияси тузилди. Яқинда бўлиб ўтадиган Бутунафрика ўйинларида курашни янада тарғиб қилиш учун тўрт нафар профессионал спортчини юборишингизни сўраймиз».

Ҳа, азизлар. Илдизлари неча-неча асрларга бориб тақаладиган ўзбек кураши бутун курраи заминимизга кенг қулоч ёймоқда, дунёнинг барча халқлари ва элатларида тан олинмоқда. Африка ёҳуд Лотин Америкасида яшовчи миллатлар тилида кураш каломини эшитиш қандай ғурур бағишлайди кишига.

спорт спорт спорт

Футбол: олий лига

ПЕШҚАДАМ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Биринчи июнь куни мамлакат саккизинчи миллий чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги XII тур мусобақаларини ўтказишди.

Шубҳасиз, ушбу турнинг энг қизиқарли учрашуви «Трактор» ва турнир жадвалида карвонбошилик қилиб келаётган «Самарқанд» жамоалари ўртасида кечди.

Ўйиннинг 35-дақиқасида меҳмонлар ҳисобни очган бўлсалар-да, кўп ҳолатларда «Трактор» чарм тўп усталарининг устунлиги сезилиб турди. Оралан уч дақиқа ўтиб, мезбонлар ҳужумчиси Абдужамил Абдуганиев ҳисобни тенглаштирди, 1:1.

Шундан сўнг пойтахтлик футболчилар янада ҳужумга зўр беришди ва 55-дақиқада Дилмурод Назаров ўз жамоасини олдинга олиб чиқди, 2:1.

Ўйиннинг охирги ўн дақиқаси ҳақиқий футбол спектаклига айланди, десак муболаға бўлмас. Мухлислар гоҳ у, гоҳ бу жамоанинг шиддатли ҳужумларининг гувоҳи бўлишди. Ва ниҳоят, 84-дақиқада «Самарқанд» ҳужумчиси Жафар Ирисметов ҳисобни тенглаштирди, 2:2. Таъкидлаш жоизки, бу Жафарнинг чемпионат ва кубок мусобақаларидаги 99-тўпи.



Шу билан учрашув ниҳоясига етадигандай туюлди. Бироқ, фақат ғалаба сари интилган «Трактор» футболчилари яна олға ташланишди. Ўнг қанотдан ҳужум уюштирган Абдужамил Абдуганиев «Самарқанд» дарвозабонининг олдинроққа чиқиб кетганини кўриб тўпни унинг устидан ошириб ташлади ва ўйинга узил-кесил нуқта қўйди, 3:2.

Ушбу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм»-«Сўғдиёна» 1:0, «Насаф»-«Пахтакор» 2:1, «Зарафшон»-«Нефтчи» 3:1, «Андижон»-«Навбаҳор» 1:1, «Сурхон»-«Темирйўлчи» 2:3, «Дўстлик»-«Янгиер» 3:0 ва «Бухоро»-«Металлург» 3:0.

Шундай қилиб турнир жадвалида 31 очко тўплаган «Дўстлик» футболчилари яна олдинга чиқиб олишди. Навбатдаги тур ўйинлари 6 июнь куни бўлиб ўтади.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири. Д. МИХАЙЛОВ олган сурат.


ALQUR БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАН ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ.

Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- енгиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз.

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш. Тўлов шакли турлича.



ALQUR
Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 3.
Тел.: (371) 185-67-78, Факс: (371) 98-47-00.

Япон технологияси асосида тайёрлаш

Бизнинг дилерларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс (37422) 25-25-94.
Чавой ш., "Фенике Ко" фирмаси. Тел. (43622) 30761.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОФАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.40
1 2 3 4 5 6